

**“INVEST FINANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИНИНГ
83-СОНЛИ БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

Тошкент шаҳри,
Т. Шевченко кўчаси, 1/
Улица Т. Шевченко, 1

2025 йил «11» сентябрь, соат 15:00/

Қатнашдилар:/ Учасоввали:

1. Абдуллаев Зикирилло Сагдуллаевич	Кузатув кенгаш раиси
2. Бурханов Бобир Нодирханович	Кузатув кенгаш аъзоси
3. Мирзарахимов Шухрат Бахрамжонович	Кузатув кенгаш аъзоси
4. Исакова Фируза Саидэхсоновна	Кузатув кенгаш аъзоси
5. Бакиров Отабек Орифович	Кузатув кенгаш аъзоси
Рахматуллаева Лола Уткировна	Кузатув кенгаш котиби

Йиғилиш кворуми – 100 %дан иборат. Йиғилиш ҳукукий кучга эга.

Йиғилишга раислик қилувчи З.С. Абдуллаев йиғилишни очик деб эълон қилди ва кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасига ўтишни таклиф қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “InFinBank” АЖ Кузатув кенгашининг раисини сайлаш тўғрисида.

4. “InFinBank” АЖ ходимларини лавозимдан озод этиш ва янги лавозимларга тайинлаш тўғрисида.

1-масала. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича Банк Кузатув кенгаши аъзоси Ш.Б. Мирзарахимов сўзга чиқиб, Банк Кузатув кенгани раиси З.С. Абдуллаевнинг 28.08.2025 йилдаги мурожаати билан таништириб, З.С. Абдуллаев, шахсий сабаблари юзасидан Кузатув кенгаши раиси вазифасини бажариш учун вақти етарли бўлмаётгани сабабли Кузатув кенгаш раиси ваколатларини бошқа Кузатув кенгаши аъзосига юклатишини сўраганини айтиб ўтди.

Шунингдек, Ш.Б. Мирзарахимов Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунининг 77 - моддасига ва амалдаги Банк Уставига мувофиқ, Банк кузатув кенгашининг раиси, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланишини таъкидлади.

Шундан сўнг, “InFinBank” АЖ Кузатув кенгаши аъзолари томонидан Кузатув кенгаши раислигига Бурханов Бобир Нодирхановичнинг номзоди кўрсатилди. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши раиси лавозимига таклиф этилган Бурханов Бобир Нодирханович номзодини бир овоздан қўллаб қувватладилар ва унинг Банк Кузатув кенгаши раиси лавозимига сайлаш масаласини тасдиқлаш учун овозга қўйишга келишдилар.

Банк Кузатув кенгаши аъзоси Ш.Б. Мирзарахимов, Банк кузатув кенгаши йиғилишларини узлуксиз ўтказилиши таъминлаш мақсадида Банк кузатув кенгаши йиғилишларида кенгаш раиси қатнашмаган ҳолатларда, унинг вазифасини З.С. Абдуллаевга вақтинчалик юклатиш масаласини кўриб чиқиш лозимлигини билдирди. Ушбу таклиф Банк кузатув кенгаши аъзолари томонидан қўллаб қувватланди ва маъқулланди.

Банк Кузатув кенгаши йиғилишларини ўтказиш, унинг кун тартиби билан боғлиқ бўлган маълумотларни Кузатув кенгаши аъзоларига тақдим этиш, йиғилишлар давомида

билдирилган таклиф ва шархларни йиғиш, шунингдек, қабул қилинган қарорларни баённома шаклида расмийлаштиришни ташкил этиш ва Банк Кузатув кенгаши йиғилишларида котиблик қилиш Банк Корпоратив маслаҳатчиси Л.У. Рахматуллаевага юкланганини айтиб, Л.У. Рахматуллаева Кузатув кенгаши йиғилишларида қатнашмаган ҳолатларда эса, унинг вазифасини Корпоратив маслаҳатчи ассистенти С.Э. Раджабовага юклаш масаласини кўриб чиқиш лозимлиги билдирилди. Ушбу таклиф Банк Кузатув кенгаши аъзолари томонидан қўллаб қувватланди ва ушбу масалани тасдиқлаш учун овозга қўйишга қилишиб олинди.

Баён этилганларни ҳисобга олиб, Раислик қилувчи кун тартибига қўйилган масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра тегишли қарор қабул қилишни таклиф қилди.

Овозга қўйилган масала:

1.1. Бурханов Бобир Нодирханович - “InFinBank” АЖ Кузатув кенгаши раиси этиб сайлаш;

1.2. “InFinBank” АЖ Кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини бажариш ҳуқуқи Кузатув кенгаш аъзоси Абдуллаев Зиқирилло Сағдуллаевич зиммасига юклаш;

1.3. “InFinBank” АЖ Кузатув кенгаши йиғилишининг котиби Рахматуллаева Лола Уткировна Кузатув кенгаши йиғилишларда қатнашмаган ҳолатларда унинг вазифасини бажариш ҳуқуқи Корпоратив маслаҳатчи ассистенти Раджабова Севинч Элдус қизи зиммасига юклаш.

Овоз бериш натижалари:

“ёқлайман” – 5 овоз, “норозиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

Натижалар бўйича Раислик қилувчи, кун тартибидаги мазкур масала бир овоздан маъқулланганлигини эълон қилди.

Кун тартибидаги масала бўйича қабул қилинган қарор:

1.1. Бурханов Бобир Нодирханович - “InFinBank” АЖ Кузатув кенгаши раиси этиб сайлансин;

1.2. “InFinBank” АЖ Кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини бажариш ҳуқуқи Банк Кузатув кенгаш аъзоси Абдуллаев Зиқирилло Сағдуллаевич зиммасига юклатилсин.

1.3. “InFinBank” АЖ Кузатув кенгаши йиғилишининг котиби Рахматуллаева Лола Уткировна Кузатув кенгаши йиғилишларда қатнашмаган ҳолатларда унинг вазифасини бажариш ҳуқуқи Корпоратив маслаҳатчи ассистенти Раджабова Севинч Элдус қизи зиммасига юклансин.

4-масала. Кун тартибидаги ушбу масала бўйича Банк Кузатув кенгаши раиси Б.Н. Бурханов сўзга чиқиб, йиғилиш иштироқчилрини Банк Бошқаруви раисининг мурожаатлари билан таништириб ўтди.

Ишлаб чиқариш зарурати ва ташкилий тузилманинг ўзгариши муносабати билан Бошқарув раисининг ўринбосари/ Бошқарув аъзоси Хожиев Дилшод Мураталиевични лавозимидан озод этиш, Банк бошқарувида аъзолигини тугатиш ва Банк Кузатув кенгаши раисининг вакили (филиаллар тармоғи самарадорлиги бўйича) лавозимига ўтказиш сўралган.

Шунингдек, Банк бошқаруви раиси биринчи ўринбосари ва бошқарув раиси ўринбосари лавозимларига номзодларни кўриб чиқиш, ушбу лавозимларни бутлаш ва бошқарув аъзолигига тайинлаш зарурияти борлигини таъкидлаб Банк кузатув кенгашига номзодларни тақдим этди.

Банк Кузатув кенгаш раиси Б.Н. Бурханов юқорида айтиб ўтилган лавозимларга ва бошқарув аъзолигига қуйидаги номзодларни кўриб чиқиш учун таклиф қилди:

1. Джураев Бахтиёржон Самадович, 2001 йилдан бери банк соҳасида ишлаб келишини ва банк соҳасида катта тажрибага эга эканлиги, “InFinBank” АЖдаги меҳнат фаолиятини 2015 йилдан бошлаганлиги раҳбарлик лавозимларда 12 йилдан ортиқ ишлаб келишини айтиб ўтилди.

Джураев Бахтиёржон Самадович номзодини Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозимига ва бошқарув аъзолигига тайинлаш таклиф этилди.

Фролова Алеся Михайловна, банк соҳасида 18 йил тажрибага эга эканлигини, раҳбарлик лавозимларда 13 йилдан ортиқ ишлаб келишини ва “InFinBank” АЖдаги меҳнат фаолиятини 2024 йилдан бошлаганлиги айтиб ўтилди.

Фролова Алеся Михайловна номзодини Бошқарув раисининг ўринбосари лавозимига ва бошқарув аъзолигига тайинлаш таклиф этилди.

“Invest Finance Bank” Акциядорлик жамияти Устави 12.3. бандининг “р” ва “с” кичик бандларига асосан Банк бошқарув аъзоларини тайинлаш, лавозимдан озод этиш шунингдек улар фаолиятини баҳолаш ва уларни рағбатлантириш миқдорини белгилаш, Банк Кузатув кенгаши ваколатига кириши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Раислик қилувчи кун тартибига қўйилган масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра тегишли қарор қабул қилишни таклиф қилди.

Овозга қўйилган масала:

4.1. “InFinBank” АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари/ Бошқарув аъзоси Хожиев Дилшод Мураталиевични лавозимидан озод этиш, “InFinBank” АЖ бошқарувида аъзолигини тугатиш ва “InFinBank” АЖ Кузатув кенгаши раисининг вакили (филиаллар тармоғи самарадорлиги бўйича) лавозимига ўтказиш.

4.2. “InFinBank” АЖ Бошқаруви зиммасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни 5 иш куни ичида ёзма равишда ҳабардор қилишни юклаш.

4.3. Джураев Бахтиёржон Самадович Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозимига ва бошқарув аъзолигига тайинлаш, Джураев Бахтиёржон Самадович номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганидан сўнг, Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ҳамда бошқарув аъзоси сифатида мажбуриятларини бажаришга киришсин.

4.4. Джураев Бахтиёржон Самадович номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганга қадар, Бошқарув раисининг биринчи ўринбосарининг вақтинчалик вазифаларини бажарувчи этиб тайинлаш.

4.5. Фролова Алеся Михайловна Бошқарув раисининг ўринбосари лавозимига ва бошқарув аъзолигига тайинлаш, ва Фролова Алеся Михайловна номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганидан сўнг, Бошқарув раисининг ўринбосари лавозимида ҳамда бошқарув аъзоси сифатида мажбуриятларини бажаришга киришсин.

4.6. Фролова Алеся Михайловна номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганга қадар, Бошқарув раисининг ўринбосарининг вақтинчалик вазифаларини бажарувчи этиб тайинлаш.

4.7. “InFinBank” Бошқаруви зиммасига Ходимлар билан ишлаш департаментига барча тегишли хужжатларни тайёрлаш бўйича кўрсатмалар беришни юклаш.

4.8. “InFinBank” Бошқаруви зиммасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг Банкнинг бошқаруви аъзоларини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларини баҳолаш шартлари ва келишиб олиш тартибига асосан, ходимлар лавозимига киришишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан келишиб олинishi мақсадида, ушбу номзодларни келишиб олиш учун тақдим этиладиган хужжатлар тўплами белгиланган тартибда, тўлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка тақдим этишни юклаш.

4.9. “InFinBank” АЖ Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни 5 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан келишиб олинган номзодларнинг ўз мажбуриятларини бажаришга киришганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш.

Овоз бериш натижалари:

“ёқлайман” – 5 овоз, “норозиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

Натижалар бўйича Раислик қилувчи, кун тартибидаги мазкур масала бўйича бир овоздан маъқулланганлигини эълон қилди.

Кун тартибидаги масала бўйича қабул қилинган қарор:

4.1. “InFinBank” АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари/ Бошқарув аъзоси Хожиев Дилшод Мураталиевич лавозимидан озод этилсин, “InFinBank” АЖ бошқарувида аъзолигини тугатилсин ва “InFinBank” АЖ Кузатув кенгаши раисининг вакили (филиаллар тармоғи самарадорлиги бўйича) лавозимига ўтказилсин.

4.2. “InFinBank” АЖ Бошқаруви зиммасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни 5 иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиш юклансин.

4.3. Джураев Бахтиёржон Самадович Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозимига ва бошқарув аъзолигига тайинлансин, Джураев Бахтиёржон Самадович номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганидан сўнг, Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ҳамда бошқарув аъзоси сифатида мажбуриятларини бажаришга киришсин.

4.4. Джураев Бахтиёржон Самадович номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганга қадар, Бошқарув раисининг биринчи ўринбосарининг вақтинчалик вазифаларини бажарувчи этиб тайинлансин.

4.5. Фролова Алеся Михайловна Бошқарув раисининг ўринбосари лавозимига ва бошқарув аъзолигига тайинлансин, ва Фролова Алеся Михайловна номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганидан сўнг, Бошқарув раисининг ўринбосари лавозимида ҳамда бошқарув аъзоси сифатида мажбуриятларини бажаришга киришсин.

4.6. Фролова Алеся Михайловна номзоди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинганга қадар, Бошқарув раисининг ўринбосарининг вақтинчалик вазифаларини бажарувчи этиб тайинлансин.

4.7. “InFinBank” Бошқаруви зиммасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг Банкнинг бошқаруви

аъзоларини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларини баҳолаш шартлари ва келишиб олиш тартибига асосан, ходимлар лавозимиغا киришишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан келишиб оlinиши мақсадида, ушбу номзодларни келишиб олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар тўплами белгиланган тартибда, тўлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка тақдим этиш юклатилсин.

4.8. “InFinBank” АЖ Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни 5 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан келишиб оlinган номзодларнинг ўз мажбуриятларини бажаришга киришганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилсин.

Ушбу билан Кузатов кенгаш йиғилиши ўз ишини якунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Имзоланган сана: 12.09.2025г.

Кузатов кенгаш котиби



Рахматуллаева Лола Уткировна